



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy  
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д. 4,  
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20 18 у.г «10» декабрь  
г. Иштыхан

№ 3344-қ

Ishtixon sh.-

Иштихон тумани “Мохпар” МФЙ худудидаги “Мохпар” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонида электрон онлайн аукцион ғолиби бўлган фуқаро Болишева Зарифа Шайдуллаевнага “Ишлаб чиқариш корхонаси” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарори ҳамда фуқаро Болишева Зарифа Шайдуллаевнага 2018 йил 11 декабрдаги аризасига асосан тумандаги “Мохпар” МФЙ худудидаги “Мохпар” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган фуқаро Болишева Зарифа Шайдуллаевнага “Ишлаб чиқариш корхонаси” қурилиши учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ғолиблиги бўйича “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги 2018 йил 20 ноябрдаги № YU 0706-000004-сонли баённомаси, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланган ҳолда,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги “Мохпар” МФЙ худудидаги “Мохпар” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган фуқаро Болишева Зарифа Шайдуллаевнага “Ишлаб чиқариш корхонаси” қурилиши учун жами 0.26 гектар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ғолиблиги бўйича “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги 2018 йил 21 ноябрдаги № YU 0706-000003-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Мохпар” МФЙ худудидаги “Мохпар” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган Болишева Зарифа Шайдуллаевнага

43  
“Ишлаб чиқариш корхонаси” қурилиши учун жами 0.26 гектар кишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Фуқаро Болишева Зарифа Шайдуллаевнага.

а) Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш Бош бошқармасидан архитектура режалаштириш топшириғининг (АРТ-1,2) қисмларини олсин;

б) Лойиҳа ҳужжатларини вилоят, туман мутахассислари тасдиғидан ўтказсин;

в) Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказсин;

г) Самарқанд вилояти Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсат олсин;

д) Бино-иншоотларни қуриш ва фойдаланиш даврида архитектура, санитария ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талабларига амал қилсин;

4. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-модда, 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланганда ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилиниши тўғрисида фуқаро Болишева Зарифа Шайдуллаевна огоҳлантирилсин.


5. Фуқаро Болишева Зарифа Шайдуллаевнага қурилиш ишларини бошлашга мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатилган шартлар бажарилгандан сўнг рухсат этилсин.

6. Қурилиш ишлари тугагач, объектни туман қабул ҳайъатига топширсин.

7. Вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман филиалининг рўйхатдан ўтказиш бўлими томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда фуқаро Болишева Зарифа Шайдуллаевна ерга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов